

РЕЗЮМЕ

Қорақалпоқ оғзаки ижодида лофлар жанр моҳиятидан латифага жуда яқин. Бирок, уларда кучли муболағаларнинг ишлатилиши ва диалог асосига қурилиши лофларни латифалардан ажратиб туради. Лофлар аксарият профессионал ижрочилар томонидан айтилиб, асосон аскиячи ва кизикчилар репертуарида кўзга ташланади. Мақолада мана шу алоҳида аҳамият касб этган лофларнинг жанрий хусусиятлари, пайдо бўлиш манбалари, шаклланиш босқичлари, адабий ривожланиш тарихи сўз этилган.

РЕЗЮМЕ

В каракалпакском устном искусстве лофты очень близки анекдотам по сути жанра. Однако использование в них сильных выражений и построение их на основе диалога отличает чердаки от анекдотов. Лофы поют большинство профессиональных исполнителей и в основном представлены в репертуаре аския и любительской музыки. В статье рассматриваются жанровые особенности этих батонов, источники их происхождения, этапы формирования, история развития литературы.

SUMMARY

In Karakalpak oral art, lofts are very close to anecdotes in the essence of the genre. However, the use of strong expressions in them and their construction on the basis of dialogue distinguishes attics from anecdotes. Lofs are sung by most of the professional performers and are mainly represented in the repertoire of askia and amateur music. The article examines the genre features of these loaves, the sources of their origin, the stages of formation, the history of the development of literature.

ИСТИҚЛОДАН КҮЧ ОЛГАН КҮНГИЛ

Р.И.Ибрагимова - катта ўқитувчи

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: мустақиллик, ҳикоя, мисра, ватан, Орол, туйғу, рух, кўнгил.

Ключевые слова: независимость, рассказ, полустихие, Родина, Арал, эмоции, дух, душа.

Key words: independence, narrative, line, homeland, Aral, motherland, emotion, spirit, soul.

Ушбу мақолада Раёно Рахмон кизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух ман-заралари» китобига киритилган ҳикоя, лавҳаларининг ўзига хос мавзу ранг-баранлиги, бадийлик хусусиятларини таҳлилга тортишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, Қорақалпоғистонда туғилиб вояга етган ҳар бир ижодкор асарларида Орол муаммоси ўзига хос мавзу сифатида акс этади. Муаллифнинг ушбу китобида ҳам Орол мавзусига бағишланган мақолаларини, ҳикояларини ўқиймиз. Бу мавзулар баёнида ижодкорнинг дардли кўнгил кечинмалари тасвирланади. «Бобомерос тупрок» мақоласида қари мўсафид тилидан баён қилинган фикрлар тасвири берилади. «Ватан! Ватан!» - деб кўкка кўл чўзиб ҳайқирганингнинг фойдаси йўқ. Ватан дегани ўзи бу нима? Ватан бу туғилиб ўсган тупроғинг, уйинг, жойинг, дўстларинг» [1:51]. Бу фикрларининг тасдиғини муаллиф бир қанча кичик - кичик ҳикояларни мисол келтириш билан инсонларнинг ватан ҳақидаги тушунчаларини, ватан ҳақидаги муқаддас туйғуларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Инсон ўзи туғилиб ўсган тупроғини ҳар қандай ҳолатда асрашини, ташлаб кетолмаслигини бадий тарзда тасвирлаб беради. «Ватан дегани балки шудир. Ота-она ҳоки қўйилган тупрокка меҳр, эхтиромдир. Балки инсоннинг «Сени яхши кўраман, тупроғим» деб айтмаган, айтиши ортиқча бўлган, қалбининг энг нозик торларидан жой олган сўзидир одамнинг. Чиндан ҳам бу туйғу сўзга қандай кўчсин? Бу туйғулар олдида сўз ожиз. Муҳаббат, меҳр, қалби иши, қалб мулки, қалбнинг овозсиз мусиқаси эмасми, ахир» [1:53] - дегани инсон дил тубидан баралла айтилган фикрларни мўсафид тилидан китобхонга жуда таъсирли шаклда етказиб беришни урдалаган. Бу фикрларни баён қилишда сўзларни ҳам ўз ўрнида маҳорат билан қўллаш баробарида образ танлашда ҳам жуда тўғри йўл танлаган. Воқеаларнинг мўсафид тилидан айтилиши ҳам, айнан Орол фожиаларини ўз кўзи билан кўрган инсон сиймосида бор ҳақиқатлиги билан намоён бўлади. Оролбўйлари ҳозир хувиллаб қолгани, денгиз гурқираб турган пайтларда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан одамлар ишлашга келгани, лекин кейинчалик бу ерларга ишлаш учун келган одамлар аллақачон бу қум, чанг, шўр тузларга чидамай ўз юртларига қайтиб кетганлиги, лекин ота - боболар ҳоки бўлган тупрокни фақат бу қадимий заминнинг қадр - қимматини англай олган инсонлар тарқ эта олмаганликлари дард изтироб билан тасвирлаб берадиган экан мўсафид тилидан шундай дейди: «...бизнинг бу ерларда ота қабрларимиз бор. Бир томчи имкон бор экан, биз бу ерлардан воз кечолмаймиз. Бу ерлар бизларга бобомерос-Ватан!».

Ҳақиқатга тик боқиб қаралса, албатта, бу қум бўронлари, шўрхок туз ҳавосидан нафас олиб яшаётган аҳоли айнан мана шу ота тупрокни ардоқлагани, оталар, хокига эҳтиромни туфайли бу жойларни ташлаб кетолмасдан, яна обод қилиш учун умид боғлаб, мардонавор курашиб келмоқда. Табиат ўз куч-қудратини кўрсатишда давом этмоқда, лекин Ватан дея сажда қилган Орол бўйи халқлари ҳали ҳануз катта умид ва ишонч билан олға интилаётгани унинг кейинги мақолаларида ўз аксини топган. Ушбу мақолада Орол сувининг қамайиши билан бутун табиат, инсоният, ҳайвонот оламига қанчалар зарар етказилаётгани, табиатнинг инсонлардан ўч олиши бир қанча мисоллар асосида тасвирлаб берилар экан, албатта мана шу халқ ҳаётига оид лавҳалардан фойдаланади ва муаллиф ижодида қорақалпоқ миллий калорити акс этиб туради.

Муаллиф «Холоскор» ҳикоясида ҳам ўз услубига содиқ қолган ҳолда кўнгил мулки ҳақида баён қилади. «Бадий асарда ҳикоя эпик жанри ривожланиб келди. Ҳикоя кўпинча муайян ижтимоий шароит учун хос бўлган битта, баъзан бир неча кичик воқеани акс эттирувчи, характерни кўпинча тайёр ҳолда кўрсатувчи жанр ҳисобланади.» [2:221]. Кўнгил мулки бу ҳар бир одамнинг ўзигагина аён бўлган, эслаганда эзилиб кетадиган, юрагининг аллақачонини кемириб турадиган муҳаббат яраларининг залвори-ю, муҳаббатнинг илоҳийлигини қисқагина ҳикояда оддийгина учта образ суҳбати-ю, кўнгил кечинмаларида акс эттиради. Кўнгил сирли олам, унинг қалитини топган пайт у бу оғир дарддан халос бўлиш мумкинлиги, акс ҳолда бу азоб инсонни не қуйларга солиши реал воқеалар тарзида таъсирли акс этирилган. Муҳаббат, бир-бирига ҳурмат, бир-бирини тушуниш, инсоний фазилат эканлиги улуғланган.

Шундай ҳикояларидан яна бири «Изҳор» ҳикоясидир. Ҳикояда ижод аҳлининг ўзига хос табиати, оддий одамлар, дўстлар орасидаги самимий муносабатлар тасвирланар экан, мусаввир тасаввурлари ҳикояда асосий таҳлилга тортилувчи ҳолат сифатида акс этади. Бу ҳолат фақат ижод аҳлидагина содир бўлиши табиий, бу нақадар гўзал тасвир эканлиги эса муаллифнинг ижодий эстетик ғояларининг нақадар юқорилигидан дарак беради. Бу туйғуларни фақат ҳис қилиш мумкин, тушуниш эса қийин. Суратнинг ёмғирлар остида пайдо бўлиши, мусаввирнинг ҳаёлидаги ҳолатни қоғозга тушириши китобхонни уйга толдирадиган, диққатини тортадиган ҳолатдир. Лекин буни оддий одам ҳеч қачон ҳис қила олмайди ва бу ҳолатни шунча машаққатлар билан чизилган суратнинг кадрига етмаган дўсти уйидаги ҳолат билан тасвирлар экан, асарни минг

машаққат билан чизиш, унинг бир ҳолатга келгунигача бўлган ички изтироблари муаллиф томонидан акс эттирилган экан, бу санъат асарига муносабатни кўрган расомнинг ички кечинмалари, изтироблари ҳар бир китобхонни ўйга толдириши табиий менимча. Асар китобхонни санъатни тушуниш, кўнгил оламини тушунишга ёрдам беради, ижод машаққати-ю, мусаввир тасаввурларини англашга ёрдам беради, китобхонда санъатга, ижодга, инсон қалбига, нозик туйғуларига ижобий муносабатни шакллантиради. Асар айнан шунинг учун ҳам «Изҳор» деб номланган бўлса ажаб эмас. Раъно Раҳмон ҳикоя охирида қаҳрамон тилидан шундай ёзади: «Бир улуғ яратувчи бор-ҳамон маъқулларди қалби. —У одамга суврату сийрат, жон берган Зотдир. Биз эса бор йўғи улардан нусха кўчиришга ҳаракат қилдик ва катта хато қилдик. Муҳаббатимизни шу тарзда изҳор қилмоқчи бўлдик, шекилли. Рангларга сиғмаган дунёларимиз, изҳорларимиз муҳаббатга поёндоз бўлсин, поёндоз бўлсин»... (Р.Раҳмон, 2003:174). Муаллиф қаҳрамон нутқи орқали асар мазмун - моҳиятини жуда чиройли тарзда очиб беради, хулоса қилади.

Бу китобни ўқир эканмиз энг аввало муаллифнинг Оллоҳга бўлган ишонч, эътиқоднинг нақадар кучли эканлигини ҳар бир мавзусида кўрамиз. Китобдан ўрин олган мавзулар яратганга бўлган улуғ ишончни тарғиб қилишга, инсонларнинг кўнгил мулкига бу туйғуларни сингдиришга бўлган нусха кўчиришга ҳаракат қилдик ва катта хато қилдик. Муҳаббатимизни шу тарзда изҳор қилмоқчи бўлдик, шекилли. Рангларга сиғмаган дунёларимиз, изҳорларимиз муҳаббатга поёндоз бўлсин, поёндоз бўлсин»... (Р.Раҳмон, 2003:174). Муаллиф қаҳрамон нутқи орқали асар мазмун - моҳиятини жуда чиройли тарзда очиб беради, хулоса қилади.

Сен истасанг юраклар гул очади,
Сен истасанг нигоҳлар нур сочади.
Сен истасанг кўнглим лаҳзада тўлгай,
Тилдан қолган соқов ҳам тил очади.

Адабиётлар

1. Раҳмон кизи Р. Рух манзаралари. —Тошкент: 2003.
2. Худойкулов Э. Адабиётшуносликка кириш. —Тошкент: 2007.

Ушбу мақолада Қорақалпоғистонда яшаб ижод этган шоира, публицист Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух манзаралари» китобида қиритилган ҳикоя, шеърлар, лавҳаларнинг ўзига хос мавзу ранг-барангликлари, бадиийлик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сўз қўллаш маҳорати, рамзларнинг ўзига хосликлари, ижодкор ички кечинмаларининг ифодаланиши таҳлил қилинади.

В статье рассказывается об уникальных тематических и художественных особенностях рассказов, стихов и истории вошедших в книгу «Пейзажи духа», одного из произведений поэта, публициста Рано Рахмона кызы, жившего и творившего в Каракалпакстане в период годы независимости. Автор также анализирует навыки использования слов, уникальность символов и выражение творческого внутреннего опыта.

This article tells about the unique thematic features and artistic features of the stories, poems and stories included in the book «Landscapes of the Spirit», one of the works of the poet, publicist Rano Rahmon kzy, who lived and worked in Karakalpakstan during the years of Independence. Author also analyzes word usage skills, the uniqueness of symbols, and the expression of creative inner experiences.

J.AYMUZAEV – QARAQALPAQ SATIRALÍQ PROZASÍNÍN BASLAWSHÍLARÍNÍN BIRI SÍPATÍNDÁ

A.S.Jaqshilqova - doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: obraz, asar, kinoya, janr, proza.

Ключевые слова: образ, произведение, сатира, жанр, проза.

Key words: image, work, satire, genre, prose.

Satira erkin jámiyetimizdegi unamsız qásiyetlerge qarsı gúresiwe, olardı ashshı kúلكi arqalı áshkaralawda, turmıstaǵı irkinish beretuǵın hádiyselerdi sinawda, teńitayı joq kórkem sóz quralı. Satirik jazıwshıdan avtorlıq poziciya, xalıqlıq kóz-qaras, joqarı estetikalıq ideya, ómir shınlıǵın shıǵarmada kórkemlik penen súwretlew sheberligi talap etiledi. Bul jaǵınan satirik jazıwshıǵa da ulıwma

Ул кўзнинг ойдинлари ғоят чуқур,
Чуқурга чўка-чўка жоним чиқур.
Кўнглимни қазий-қазий қазо топсам,
Ўримдан шуқур дея сазо чиқур.»

Шеърда яна Оллоҳга бўлган мурожаат акс этади. Яъни инсоният учун яхшиликлар ҳам ёмонликлар ҳам сендан бежавоб бўлмас, сен назар қилсанг ҳар бир кўнгил шод бўлмай дея инсонларга яхшиликларни тилайди. Чуқурга чўкиш эса яхшиликлар қилиш учун ҳаракат қилиш, акс ҳолда ёмонликлар ичра фарқ бўлиш мумкин. Кўнглимни англай олмай қазо топсам дея тасвирлашида ҳам бир олам маъно бор. Чунки шоиранинг энг асосий тушунчаси бу инсон ўз кўнглини англай олиши, «Одам ўз кўнглини, кўнгил ўз одамиани англай олиши шунчалар мураккаблигини билган киши учун бошқалардан гинага ўрин йўқ. ...кўнглига тенг кўнгил топа олган инсон, икки дунё саодатини топибди»-дея таърифлайди. Демак, муаллиф фикрича, кўнглини англай олмоқ бахт. Инсон Оллоҳ инояти ила ўз кўнглини англай олиш бахтига муяссар бўлар экан, уни ўзгаларга шу сеҳри ила етказиб беради. Мана шунинг учун ҳам шоира агар ўз кўнгил мулкимни тополмай, кўнглимни англай олмай қазо қилсам, шуқур қиламан, деганида ҳаққоний фикрни илгари суради, чунки, ўз кўнглини англай олмаслик азоб, минг бир изтироб.

Шунингдек, шеърда парчада гул, тил, нур каби бири-бирига оҳангдош бўлган қофиядош сўзларни ҳам танлай олганки, уларнинг барчаси ҳар жihatдан ижобий маънони ўзида мужассам этган сўзлардир. Мақолада Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратган ўзига хос қалб кечинмалари акс эттирилган, кўнгил салтанатининг мулки бўлмиш ички туйғулар ҳақидаги асарлари имкон даражасида таҳлилга тортилди. Бу йилларда шоира ижодида жуда теран маъноларга эга бўлган ва мавзу жиҳатдан жиддий асарлар яратилган. Бу асарлар айнан адабий жараёнда давр силсиласи таъсирида яратилган ўзига хос асарлар бўлиб, ўзбек адабиётида мустақиллик мавзусини ўзига хос тарзда акс эттирган ижод намуналаридан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Қорақалпоғистонда яшаб ижод этган шоира, публицист Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух манзаралари» китобида қиритилган ҳикоя, шеърлар, лавҳаларнинг ўзига хос мавзу ранг-барангликлари, бадиийлик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сўз қўллаш маҳорати, рамзларнинг ўзига хосликлари, ижодкор ички кечинмаларининг ифодаланиши таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается об уникальных тематических и художественных особенностях рассказов, стихов и истории вошедших в книгу «Пейзажи духа», одного из произведений поэта, публициста Рано Рахмона кызы, жившего и творившего в Каракалпакстане в период годы независимости. Автор также анализирует навыки использования слов, уникальность символов и выражение творческого внутреннего опыта.

SUMMARY

This article tells about the unique thematic features and artistic features of the stories, poems and stories included in the book «Landscapes of the Spirit», one of the works of the poet, publicist Rano Rahmon kzy, who lived and worked in Karakalpakstan during the years of Independence. Author also analyzes word usage skills, the uniqueness of symbols, and the expression of creative inner experiences.

J.AYMUZAEV – QARAQALPAQ SATIRALÍQ PROZASÍNÍN BASLAWSHÍLARÍNÍN BIRI SÍPATÍNDÁ

A.S.Jaqshilqova - doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: obraz, asar, kinoya, janr, proza.

Ключевые слова: образ, произведение, сатира, жанр, проза.

Key words: image, work, satire, genre, prose.

dóretiwsilik xızmetkerlerine qoyılǵan joqarı ideyalıq penen kórkemlik sheberliginiń biyik talabı qoyıladı.

Satira shıǵarmada súwretlengen turmıslıq qubılıslardı, jeke adamlardıń háreketi menen minez-qulqındaǵı unamsız momentlerdi shegine jetkerip áshkaralaw arqalı jasaladı. Egerde yumorda qubılıstaǵı ekinshi dárejeli momentler kúلكige alınsa, satira bul qubılıslardı tutas tiykarı menen